

Исломда ақл



08:08 / 12.10.2018 4222

Аслида илм дегани ишларни ақл ёрдамида бажариш, демакдир. Ақл эса учраган нарсани тушуниб олиш қобилиятидир. Қуръон барча ишларда ақл билан иш юритишга чақиради, ақлни ишлатмаганларни қаттиқ танқид қилади. Қуръони каримда ақлга тааллуқли сўзлар 50 марта ишлатилган. «Ақл эгалари» деган жумла эса 10 мартадан кўпроқ ишлатилган. Шунинг ўзи ҳам Қуръон ақлга катта эътибор берганининг далилидир.

Қуръон ақлнинг улкан неъмат эканини шундай баён қилади:

﴿يَعْقُلُونَ الْقَوْمَ لَا يَتَذَكَّرُ فِي إِنْ﴾

«Бунда, албатта, ақл юритувчи қавмлар учун оят(белги)лар бордир»
(Раъд сураси, 4-оят).

﴿يُوقِنُونَ﴾ لِقَوْمِ آلَائِكَتِ بَيْنَنَا قَدْ

«Батаҳқиқ, аниқ ишонувчи қавмларга оятларни баён қилганмиз»
(Бақара сураси, 118-оят) ва ҳоказо.

Бошқа оятларда эса Аллоҳ таоло ақлни ишлатмаганларни айблайди:

«Аллоҳнинг ҳузурида жонзотларнинг энг ёмони, албатта, кару соқов бўлиб, ақл юритмайдиганлардир» (Анфол сураси, 22-оят).

﴿سَيِّئًا﴾ أَضَلُّ هُمْ بَلْ كَانُوا يَعْلَمُونَ إِيَّاهُمْ إِنْ يَعْلَمُونَ أَوْ يَسْمَعُونَ أَكْثَرَهُمْ أَنْ تَحْسَبَ أَمْ

«Ёки уларнинг кўплари тинглай олурлар, ёки ақл юрита олурлар деб ҳисоблайсанми? Улар чорва кабидирлар, холос. Балки улар яна ҳам йўлдан адашганроқдирлар» (Фурқон сураси, 44-оят).

Бошқа бир оятда ақлни ишлатмаслик охират азобига сабаб бўлишини эслатади:

﴿السَّعِيرِ أَصْحَابِ﴾ فِي كَمَا مَا نَعْقِلُ أَوْ نَسْمَعُ كَمَا أَوْ قَالُوا

«Ва улар: «Агар қулоқ осганимизда ёки ақл юритганимизда эди, ловуллаган олов соҳиблари орасида бўлмаган бўлар эдик», дерлар»
(Мулк сураси, 10-оят).

Мана шу нарсаларнинг барчаси Ислонда ақлнинг нақадар улкан баҳоланишини кўрсатади.

“Иймон” китобидан